



## ТИЛ КОНТАКТИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Ёрматова Ёқутхон Нурматовна

Фарғона вилояти Педагогик маҳорат  
маркази Тилларни ўқитиш методикаси  
кафедраси доценти в.б, ф.ф.ф. доктори (PhD)  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15501384>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15-May 2025 yil

Ma'qullandi: 20-May 2025 yil

Nashr qilindi: 24-May 2025 yil

### KEYWORDS

тил контакти, субстрат,  
суперстрат, адстрат,  
инстрат, перстрат,  
дистант, интермедиарлик.

### ABSTRACT

Мақола тилшуносликнинг тил контактлари масалаларига бағишланган бўлиб, мазкур мавзу борасидаги тилшунослар фикрлари, илмий изланишлар турли хил манбалар асосида жамланган ҳамда бир тизим доирасида таҳлилга тортилган.

Бугунги кунда тил контакти муаммоси тилшунос олимларни қизиқтириб келаётган ва ўз долзарблигини йўқотмаётган масалалар сирасига киради. Мазкур мавзу бўйича олиб борилган изланишлар ва тадқиқотлар натижасида бу тушунчага берилган таърифларнинг хилма-хиллигини кўришимиз мумкин.

Тилшунос олим У.Вайнрайх "...бир турдаги кишиларнинг тилдан навбатма- навбат фойдаланиши натижасида икки тил ўзаро контактга киришади"<sup>1</sup>, деб ҳисоблайди. У.Вайнрайх икки тил контакти натижасида бир хил шахслар томонидан тилдан навбатма-навбат фойдаланиш вақтида ушбу шахслар нутқида бир нечта тилларни қўллаш ҳар иккала тил меъёрларини ва аралашиб кетиши каби ҳолатларга гувоҳ бўлиш мумкинлигини айтди<sup>2</sup>. Тил контакти масаласидаги қарашлар турлича бўлса-да, улар умумий моҳияти жиҳатидан соҳага оид бир тизимдаги назарияни ташкил қилади.

Бугунги кунда тил контакти масалалари жаҳон тилшунослигида Р.Аппель ва П.Муискен, А.Кеффелек, С.Лафаж, К.Май-ерс-Скоттон, М.М.Нгалассо, С.Г.Томасон ва Т.Кауфман каби олимлар билан бир қаторда, рус тилшунослик мактаби намояндалари В.А.Виноградов, В.М.Добов, В.Т.Клоков, Ж.Багана, Н.Б.Мечковская, А.Е.Карлинский, А.Ю.Русаковларнинг изланишларида ўз аксини топган.

Тилшуносликка доир адабиётларда тил контакти "хорижий тил таъсири", "тилларнинг аралашуви", "тилларнинг қоришиб кетиши", "тилларнинг ўзаро таъсири" каби турли хил тушунчаларда талқин қилинади.

"Тил контакти" атамаси илк бор А.Мартине (1952) томонидан қўлланилган бўлиб, бу атама У.Вайнрайх томонидан ҳам кенг миқёсда қўлланилган. 1953 йилда олим

қаламига мансуб “Тил контактлари”<sup>3</sup> номли асарнинг яратилиши мазкур соҳадаги қатор масалаларга ойдинлик киритди. Бу муаммо кейинчалик Э.Хауген ва бошқа тилшунос олимларнинг нашр ишларида ҳам ўз аксини топган. Тил контакти назариётчиларидан Г.Шухардт эса “тил контакти” атамасининг ўрнига “тилларнинг қоришиши” терминини қўллашни таклиф қилади. Олим ўзининг бир нечта ишларини айнан шу масалаларга бағишлади ва чет тилининг таъсири бўлмаган тил мавжуд эмас, қоришиш чегара билмайди, ҳар бир индивид ўз она тилини ўрганади ва бошқа индивидлар билан мулоқот жараёнида уни ўзгартиради, деб таъкидлайди<sup>4</sup>. Бироқ У.Д.Уитни, Э.Сэпир каби тилшунос олимлар “тилларнинг қоришиши” деган тушунча моҳиятида айрим ноаниқликлар борлиги сабаб уни термин сифатида қабул қилиниши мумкин эмас, деб таъкидлайди. Бу борада Бодуэн де Куртенэ томонидан ҳам аҳамиятли фикрлар илгари сурилган. Олимнинг таъкидлашича, тиллар контактга киришиши натижасида фақатгина у ёки бу тил элементлари ўзлашишигина эмас, балки тилнинг айрим бўлақларига хос бўлган, кучли ва заиф фарқланишида, яъни бутун бир тизимнинг соддалашишида намоён бўлади<sup>5</sup>.

Замонавий тилшуносликда “тилларнинг ўзаро таъсири” ва “тил контактлари” атамалари кенг қўлланиб келинмоқда.

Илмий адабиётларда юқоридаги атамалар турлича изоҳланиб ва бир-бирига синоним деб таъкидланса, бошқаларида улар мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади деб изоҳланади.

Тилларнинг ўзаро таъсири тиллараро мулоқот ўрнатилиши натижасида юзага келса, тил контакти эса маълум типдаги тиллараро алоқага киришадиган қуйидаги турларга бўлинади:

1. Дистант (лот.distantia - масофа) – иккитиллилик ва тил эгаларининг тўғридан-тўғри яъни бевосита алоқасининг мавжуд эмаслиги натижасида;
2. Ўзаро таъсирга эгалик қилишига кўра;
3. Интермедиарлик (лот.intermedius – орасида, ўртасида) бир-бири билан бевосита контактга киришмайдиган, бироқ ҳар иккисидан бири учинчи (оралиқ, “ўртакаш”) тил билан контактга киришади.

Айрим тилшунослар бир тил элементларини мулоқот жараёнида иккинчи тилга таъсирини ёки аксинча иккинчи тил элементларининг она тилда акс этишини тил контакти деб тушунади.

Икки ёки ундан ортиқ тилларнинг тарихий ёки ижтимоий сабабларга кўра ўзаро таъсирга киришиши уни бир-бирига яқинлаштириши керак. Бу ҳодиса эса илмий адабиётларда тил контакти деб аталади.

“Ҳар бир тилнинг тарихига назар ташланса, тил контактлари сабаб юзага келган ўзгаришларга гувоҳ бўлиш мумкин. Ташқи факторлар таъсирисиз тилнинг ривожланиши мумкин эмас, шу сабаб “генетик жиҳатдан соф” тиллар мавжуд эмас”<sup>6</sup>, деб таъкидлайди тилшунос олим Н.Б.Мечковская. Чиндан ҳам, ҳар бир тилнинг луғати

ўзга тилдан ўзлашган сўзлар билан бойиб боради. Ҳеч бир тил бошқа бир тил билан контактга киришмасдан ривожлана олмайди. Бундай назария дунёдаги барча тиллар учун хос бўлиб, ўзга тиллардан сўз ўзлаштириш дунёдаги тиллар учун умумий қонуниятдир. Демак, бир системага ёки турли системага оид бўлган тилларда тил контакти учун максимал ёки минимал даражадаги ўзлашма қатлам тил контакти учун бошланғич босқич амалиёти ҳисобланади.

Ижтимоий алоқалар вазиятида контактлашаётган тилларнинг роли ҳақида фикр юритганда бир қатор тушунчаларни фарқлаш ўринли бўлар эди. Биринчи навбатда тилдаги субстрат, суперстрат, адстрат, инстрат ва перстрат ҳодисалари ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли бўлади.

**Субстрат** (lot. superstratum — “устки қатлам, қават”)<sup>7</sup> кенг этник аралашув ва иккитиллик орқали маҳаллий халқ тилининг келгиндилар тилига сингиб кетишидир. XIX асрда Я.Бредедорф томонидан мазкур тушунча фанга олиб кирилган бўлиб, кейинчалик эса Г.И.Асколи ва Г.Шухард томонидан ривожлантирилган.

**Суперстрат** (лот. super – “уст”, “юз” и stratum – “қопламоқ”) ҳодисасини келгинди, босқинчилар тилининг маҳаллий халқ тилда қолдирган белгиларидир деб таърифлаган. Мазкур термин тилшунос В.Вартбург томонидан фанга олиб кирилган.

Б.А.Серебренников **адстрат** ҳодисасини узоқ йиллар давомида кўшни бўлиб яшаган халқлар тилининг контактга киришиши натижасида мазкур тилларнинг бири иккинчисига ўз таъсирини ўтказиш ҳосиласидир деб таъкидлайди. Бу таъсир натижасида контактга киришган тилларнинг бири ассимиляцияга учрамайди ёки уларнинг бири бошқасининг таркибига кириб ёхуд “сингиб”, “йўқолиб” кетмайди. Бир сўз билан айтганда контактга киришган ҳар икки тил ўз ҳолатини тўлиқ сақлаб қолишга муваффақ бўлади. Инглиз манбаларида адстрат ҳодисаси тил контактларининг якуний шакли деб ҳисобланади ва ўз ўрнида адресат қуйидагича фарқланади:

- \* диалектлараро контакт;
- \* адабий тилларнинг диалектлар билан ўзаро алоқаси;
- \* оғзаки мулоқот жараёнида тилларнинг контактга киришиш ҳодисаси;
- \* адабий тилнинг бошқа тиллар билан контактга киришиши.

Худудлараро ва географик жиҳатдан узоқ бўлган тилларнинг ўзаро контактга киришиши ва бунинг натижасида икки тилдан бирининг бошқа бир тилга маълум даражада ўзлашиши ёки унинг бир “қисми”га айланиши **“инстрат”** ҳодисасининг пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, маданият, фан, таълим, техника тилларининг ҳам ўзаро контактлашиши тилшуносликда **“перстрат”** ҳодисаси деб юритилади<sup>8</sup>.

Тил контактлари яна вазият тақозосига кўра тасодифий (турғун бўлмаган) ва доимий (турғун) каби турларга ҳам бўлинади. Тасодифий ёки турғун бўлмаган ҳолларда тил контактлари жуда ҳам паст кўрсаткичда ўзаро алоқага киришади. Натижада эса бир тилдан иккинчи тилга чекланган миқдорда атамаларни олиб ўтилади. Доимий ёки турғун ҳолдаги тил контакти эса ўзаро алоқага киришган икки тил ўртасидаги жуда ҳам яқин алоқани назарда тутуди ва мазкур икки тил

эгаларининг бир-бирлари билан ўзоқ муддат муносабатга киришади. Бу эса ўз навбатида контактга киришган тиллар ривожига сезиларли равишда ўз таъсирини ўтказади.

Доимий ёки турғун ҳолдаги тил контакти ўз навбатида яна ички ва ташқи (1-расм) турларга ҳам бўлинади. Ички турғун ҳолдаги тил контакти бир ижтимоий-сиёсий маконда истиқомат қилувчи бир тилнинг турли шеваларида мулоқот қиладиган тил эгаларинг ўзаро алоқага киришуви оқибатида пайдо бўлади. Ташқи турғун ҳолдаги тил контакти турли ижтимоий-сиёсий ҳудудларда яшайдиган ҳамда ўзаро доимий равишда иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа муносабатларда ўзаро контактга киришадиган тил эгаларининг мулоқотида намоён бўлади.



Хулоса қилиб айтганда, контакт лингвистикаси тилшуносликнинг бошқа тармоқлари билан қиёсланганда нисбатан ёш ва шаклланишнинг замонавий босқичида турганлигига, соҳага доир терминология мураккаб эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Шу сабаб мазкур соҳа атрофидаги муаммолар ва унинг терминологияси доимий равишда янгиланиб бормоқда. Бу эса тилшунослик учун долзарб масалалардан бири деб айтиш мумкин.